

«MA'QULLANGAN»
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
«Dori vositalari va tibbiy buyumlar va
tibbiy texnika ekspertizasi va
standartizatsiyasi davlat markazi»
Davlat unitar korxonasi
«10» yanvar 2018 y. № 1

Илова-варақа: пациент учун маълумот

“Гербион® сироп подорожника”

Баргизўт ва оддий мальва экстракти/аскорбин кислотаси
Йўтални енгиллаштириш учун

Ушбу препаратни қўллашни бошлишдан олдин илова-варақанинг барча бўлимларини диққат билан ўқиб чиқинг, чунки унда Сиз учун муҳим маълумот сақланади.

Ушбу препаратни ҳамиша ҳудди илова-варақада ёзилганидек, ёки Сизнинг шифокорингиз ёки фармацевт тавсия этганидек қабул қилинг.

- Ушбу варақани сақлаб қўйинг. Эҳтимол, Сизга уни яна ўқиб чиқишга тўғри келиши мумкин.
- Агар Сизда бирор-бир қўшимча саволлар пайдо бўлса, фармацевтга мурожаат қилинг.
- Ҳар қандай ножўя самаралар пайдо бўлганида, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг. Бу ушбу илова-варақада кўрсатилмаган, бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ножўя самараларга тааллуқлидир. 4-бўлимга қаранг.
- 7 кундан кейин аҳволингизни яхшиланиши кузатилмаса ёки оғирлашса, Сиз шифокорга мурожаат қилишингиз керак.

Ушбу илова-варақада қандай маълумот сақланади

1. “Гербион® сироп подорожника” препарати ўзи нима, ва у нима учун қўлланади.
2. “Гербион® сироп подорожника” препаратини қўллашдан олдин Сиз нималарни билишингиз керак.
3. “Гербион® сироп подорожника” препарати қандай қабул қилинади.
4. Бўлиши мумкин бўлган ножўя самаралари.
5. “Гербион® сироп подорожника” препарати қандай сақлаш керак.
6. Ўрам ичидағиси ва бошқа маълумотлар.

1. “Гербион® сироп подорожника” препарати ўзи нима ва у нима учун қўлланади

“Гербион® сироп подорожника” таркибида ланцетсимон (ингичка баргли) баргизўт барглари ва оддий мальва гуллари ва С витаминининг аралаш экстрактини сақлади. Ушбу доривор ўтларни таъсир этувчи моддалар сифатида сақловчи шиллиқ, оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қавати юзасида юпқа қават ҳосил қиласиди ва шу тариқа уни йўтални келтириб чиқарадиган таъсирлардан ҳимоя қиласиди.

“Гербион® сироп подорожника” препарати йўталга қарши восита сифатида тавсия этилган ўсимликлардан олинадиган дори препарати бўлиб, қуйидаги ҳолатларда;

- юқори нафас йўлларининг яллигланиш касалликларида кечувчи куруқ йўтал,
- чекувчилардаги қуруқ йўтал,
- йўтал билан кечувчи шамоллаш касалликларида тавсия этилган.

2. “Гербион® сироп подорожника” препаратини қўллашдан олдин Сиз нималарни билишингиз керак

“Гербион® сироп подорожника” препаратини қўйидаги ҳолатларда қабул қилманг:

- агар Сизда ланцетсимон баргизўт барглари экстракти, оддий мальва барглари экстракти, С витамини ёки ушбу препаратнинг исталган бошқа компонентига (б-бўлимда санаб ўтилган) аллергия бўлса, препаратни қабул қилманг.

Махсус кўрсатмалар

“Гербион® сироп подорожника” препаратини қабул қилишдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Гербион® сироп подорожника препаратини қабул қилганда айниқса қўйидаги ҳолатларда эҳтиёткорликка амал қилинг:

- Агар Сизда нафас йўлларининг, нафас олишни қийинлашиши, иситма, сурункали йўтал ёки овозни бўғилиши, ёки қон аралаш балғам ажралиши билан кечувчи, чўзилган касаллиги бўлса, зудлик билан ўз шифокорингизга мурожаат қилишингиз керак.
- Агар Сизда қандли диабет бўлса, Сиз сироп таркибида сахароза сақлаши ва шунинг учун Сизга тавсия этилмаганигини билишингиз керак.
- Сиропни қабул қилиш бошланганидан сўнг 5-7 кун ўтгач, йўтал сақланиб турса, ўз шифокорингизга мурожаат қилинг.

Болалар

Шифокорнинг олдиндан маслаҳатисиз, сироп 2 ёшдан кичик бўлган болаларга тавсия этилмаган.

Бошқа препаратлар ва “Гербион® сироп подорожника” препарати

Гербион® сироп подорожника препаратини қабул қилишни бошлашдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Маълумки, ушбу препарат бошқа препаратларнинг самараларига таъсир кўрсатмайди.

“Гербион® сироп подорожника” препаратини овқат ва ичимликлар билан бирга қабул қилиш

Овқат билан ўзаро таъсири кузатилмаган.

Сиропни қабул қилиш вақтида чой ва илиқ ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши

Агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз, бола эмизаётган бўлсангиз, ҳомиладорман деб тахмин қилсангиз, ёки агар Сиз ҳомиладор бўлишни режалаштирган бўлсангиз, ушбу препаратни қўллашдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида препаратни қўллаш хавфсизлиги юзасидан маълумотлар чекланганилиги сабабли, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида сиропни қўллаш тавсия этилмайди. Фертилликка таъсири юзасидан маълумотлар йўқ.

Транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсири

Маълумки, препарат транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатмайди.

“Гербион® сироп подорожника” препарати таркибида сахароза ва метилпарагидроксибензоати (E218) сақлайди

Агар шифокорингиз Сизда айрим қандларни ўзлаштиrolmaslik борлиги ҳақида хабар берган бўлса, ушбу дори препаратини қўллашдан олдин ўз шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Катталар учун тавсия этилган бир марталик дозада (2 ўлчов қошиғида) 8 г сахароза сақланади. Қандли диабет билан хасталанган пациентларга буюрилгандага буни инобатга олиш керак.

Метилпарагидроксибензоати (E218) аллергик реакцияларни (эҳтимол кечиккан) чақириши мумкин.

3. “Гербион® сироп подорожника” препарати қандай қабул қилинади

Ушбу препаратни доимо айнан илова-варақада ёзилганидек, ёки ўз шифокорингиз ёки фармацевт тавсия этганидек қабул қилинг. Агар Сиз бирор нарсага ишонч ҳосил қилмасангиз, ўз шифокорингиз ёки фармацевтдан аниқланг.

Катталарга тавсия этилган дозаси 2 ўлчов қошиғни ташкил этади, кунига 3-5 маҳал қабул қилинади.

Болаларда ва ўсмирларда қўлланиши

14 ёшдан ошган ўсмирларга тавсия этилган дозаси сиропни 2 ўлчов қошиғдан кунига 3-5 маҳал қабул қилинади. 7 ёшдан 14 ёшгacha бўлган болалар сиропни 1-2 ўлчов қошиғдан кунига 3 маҳал, 2 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болаларга сиропни 1 ўлчов қошиғидан кунига 3 маҳал қўллаш керак.

Шифокорнинг олдиндан маслаҳатисиз сироп 2 ёшдан кичик болаларга тавсия этилмаган. Препарат қабул қилинган заҳоти овқат ёки ичимликларни истеъмол қилманг, чунки улар препаратни оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қаватларидан ювиб юборилишини тезлаштириши мумкин.

Агар касалликнинг симптомлари бир ҳафтадан кейин йўқолмаса, ўз шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Ичишдан олдин чайқатилсин.

Сироп ичга етарли миқдорда илиқ сув билан бирга қабул қилиниши тавсия этилади.

Агар Сиз “Гербион® сироп подорожника” препаратини, керагидан ортиқ дозада қабул қилган бўлсангиз

Тавсия этилган дозаларни оширманг. Препаратнининг дозаси ошириб юборилганида зудлик билан ўз шифокорингизга мурожаат қилинг.

Агар Сиз Гербион® сироп подорожника препаратини қабул қилишни унутган бўлсангиз

Ўтказиб юборилган дозани компенсация қилиш мақсадида икки баробар катта дозани қабул қилманг.

Агар навбатдаги режалаштирилган дозани қабул қилиш вақти яқинлашган бўлмаса, ўтказиб юборилган дозани имкон борича тезроқ қабул қилинг. Бундай ҳолатда ўтказиб юборилган дозани қабул қилманг.

Агар Сизда ушбу препаратни қўллаш юзасидан қандайдир саволлар туғилган бўлса, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг.

4. Бўлиши мумкин бўлган ножўя самаралари

Барча дори препаратлари сингари, ушбу препарат ҳам, гарчи ҳаммада пайдо бўлмаса-да, ножўя самараларни чақириши мумкин.

Иммун тизими томонидан кузатиладиган бузилишлар

Кам учрайдиган (1000 одамдан кўпи билан 1 нафарида юз бериши мумкин) ножўя самаралар: препаратнинг компонентларига ўта юқори сезувчанлик реакциялари.

Ўта юқори сезувчанлик реакциялари ривожланганида сиропни қабул қилишни тўхтатинг ва ўз шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Ножўя самаралари ҳақида хабарлар

Ҳар қандай ножўя самаралар пайдо бўлганида ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг. Бу ушбу илова-варақада санаб ўтилмаган, кузатилиши мумкин бўлган ҳар қандай ножўя самарага тааллуқлидир.

5. “Гербион® сироп подорожника” препаратини қандай сақлаш керак

Ушбу препаратни болалар ололмайдиган жойда сақланг.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг препаратни қабул қилманг. Яроқлилик муддати тугаш санаси кўрсатилган ойнинг охирги кунига тўғри келади.

Флакон очилгунича

30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Флакон очилганидан кейин

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Флакон очилганидан кейин сиропни 3 ой давомида ишлатиш керак.

Дори воситаларини канализацияга ёки майший чиқиндилар билан ташламанг. Кераксиз препаратни қандай утилизация қилишни фармацевтдан билиб олинг. Бу чоралар атроф мухитни химоя қилишга ёрдам беради.

6. Ўрамининг ичидағиси ва бошқа маълумотлар

“Гербион® сироп подорожника” препарати таркибида нима сақлайди

Таъсир этувчи моддалар: ланцетсимон баргизўт баргларининг суюқ сувли экстракти, оддий мальва гулларининг суюқ сувли экстракти ва С витамини ҳисобланади. 5 мл сироп (1 ўлчов қошиғи) қўйидагиларни сақлайди:

- 2,5 г ланцетсимон баргизўт барглари (*Plantago lanceolate L. S.l., folium*) оддий мальва барглари (*Malva sylvestris L., flos*) аралашмасининг суюқ экстракти, 0,25 г ланцетсимон баргизўт баргларига ва 0,25 г оддий мальва баргларига эквивалент.

Экстрагент: сув.

- 65 мг аскорбин кислотаси (С витамини) 73,12 мг натрий аскорбати шаклида.

Ёрдамчи моддалар: сахароза, метилпарагидроксибензоати (E218) ва апельсин мойи ароматизатори.

“Гербион® сироп подорожника” препаратининг ташқи қўриниши ва ўрам ичидағиси

Ўзига хос ҳидли ва таъмли, жагарранг рангдан қизғиши-жигарранг рангтacha бўлган сироп. Ўсимликлардан олинган моддалар учун хос бўлган чўкма ҳосил бўлиши мумкин.

Сироп 150 мг дан тўқ рангли шиша флаконда, суюқликни тақсимлаш учун пластмасса тиқин ва биринчи марта очиш назорати бўлган пластик копқоқча билан ёпилган.

1 флакон пластик ўлчов қошиғи ва илова-варақа билан бирга картон кутида.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз берилади.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар
(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**
“КРКА, д.д., Ново место” Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси
100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14
Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефон: +99871 150 1044